

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИ ВА
МАМЛАКАТШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**

**“УЗОҚ ШАРҚ МИНТАҚАСИ ИҚТИСОДИЁТИ ВА
МАМЛАКАТШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИ**

АБДУЛЛАЕВ АБРОР

**”ХИТОЙ ҲАРБИЙ САНОАТ МАЖМУАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ
МАСАЛАЛАРИ”**

**5341000 – МИНТАҚАШУНОСЛИК (ИҚТИСОД ВА
МАМЛАКАТШУНОСЛИК) “УЗОҚ ВА ЖАНУБИЙ ШАРҚ
МАМЛАКАТЛАРИ**

Илмий раҳбар – магистр Абдухалилова Ф.Н.

Илмий маслаҳатчи - и.ф.н.доц.Ғуломова Г.П.

Тошкент – 2010

Мундарижа

бет.

Кириш.....5-10

1-Боб. Хитой ҳарбий саноатининг мамлакат иқтисодиётидаги

ўрни.....10

1.1. Хитой ҳарбий саноатининг шаклланиш шарт-шароитлари.....10-19

1.2. Хитой ҳарбий сиёсати хусусиятлари.....19-24

1.3. Ҳарбий саноатнинг шаклланишида давлатнинг роли..... 24-28

2-Боб.Хитой ҳарбий саноат мажмуасининг замонавий

ривожланиш хусусиятлари.....29

2.1. ХХР ҳарбий саноатнинг замонавий ривожланиш хусусиятлари
таҳлили.....29-35

2.2. Хитой ҳарбий саноат мажмуасининг ривожланиш истиқболлари...36-46

Хулоса.....47-50

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Иловалар.....

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар бир давлат ўз мустақиллигига эришгандан сўнг унинг биринчи навбатда амалга оширадиган ишларидан бири – бу ўз куч қудратини мустаҳкамлашдан иборат бўлиб, бунга турлича ёндашадилар. Ҳозирги кунда Хитой давлати нафақат, Осиё минтақасида, балки, бутун дунёда ўз мавқеига эга бўлган етакчи ривожланаётган давлатлардан бири бўлиб, унинг 1980 йилда ишлаб чиқилган “Тўртлик модернизацияси” дастурида белгиланган устувор йўналишлар (соҳалар) дан бири – бу унинг ҳарбий соҳаси ҳисобланиб, ушбу соҳани модернизация қилиш масалалари, ўша даврнинг энг долзарб ва биринчи даражали масалалардан бири бўлиб келди. Хитой учун бу масалани ҳал этиш ва ўз ҳарбий саноатини муносиб даражага кўтариш кенг маънода жуда мураккаб вазифалардан бири бўлди.

Албатта, “совуқ уруш” даври аллақачон ўзини маъно-мазмунини йўқотган бўлиб, бугунги кунда ҳар бир давлат ўз ҳарбий саноатини конверсия қилишга ҳаракат қилиб, мавжуд имкониятлари ва куч қувватини иқтисодиётини ривожлантиришга, мамлакатдаги қашшоқлик ва қолоқликни енгиш учун йўналтирмоқдалар. Хитой ҳукумати ўзининг аввалги кенг миқёсли урушга доимий тайёргарлик кўриш стратегик тамойилларини, тинч даврда ҳарбий қурилиш тамойилига ўзгартирди.

Мана шулардан келиб чиқиб, битирув-малакавий ишнинг мавзуи бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур мавзунинг турли жиҳатлари ва қирраларини бир қатор иқтисодчи-олимлар ўзларининг илмий мақола ва монографияларида ёритиб, ушбу соҳага ўз муайян хиссаларини қўшганлар. Улар П.Б.Каменнов,¹ А.Г.Володин,² М.А.Потапов, В.Я.Портяковлар ва бошқалар ҳисобланади. Ушбу илмий ишни ёзиш чоғида Хитойнинг ҳарбий

¹ П.Б.Каменнов.Проблемы обороны, Китай на пути модернизации и реформ, М.,1999, с.309.

² А.Г.Володин, Мировая экономика: прогноз до 2020 г.М., 2007, с.330.

соҳасидаги ўзгаришлар, янгиликлар ва уни молиялаш бўйича турли нашр этилган мақола ва асарлардан фойдаланилди. .

Битирув-малакавий ишнинг манбалари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари, халқаро иқтисодий ташкилотларнинг (ЮНКТАД, ПРООН, Осиё ривожланиш банки, Жаҳон банки, Халқаро Валюта фонди ва бошқалар) услубий ишланмаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Хитойнинг расмий статистик маълумотларига асосланган ҳолда ёндошилди.

Илмий ишнинг мақсад ва вазифалари. Хитой ҳарбий саноат мажмуасининг ривожланиш масалаларини таҳлил этишдан иборат бўлиб, уларни ҳал этишда биз қуйидаги вазифаларни амалга оширишни лозим деб топдик:

- Хитой ҳарбий саноатининг шаклланиш шарт-шароитларини ўрганиб чиқиш;
- Ҳарбий саноатнинг шаклланишида давлатнинг ролини аниқлашга ҳаракат қилиш;
- ХХР ҳарбий саноатнинг замонавий ривожланиш хусусиятлари таҳлил этиш;
- Хитой ҳарбий саноат мажмуасининг ривожланиш истиқболларини аниқлашдан иборатдир.

Илмий ишда қуйидаги янгилик элементлари мавжуддир:

- биринчи мартаба Хитой давлатининг куч-қудрати бўлган ҳарбий соҳа ривожланишини мамлакат иқтисодиёти учун ва унинг келажаги учун аҳамияти аниқланди;

- Ҳарбий соҳага давлат бюджетидан ажратмаларнинг ўсиш динамикаси таҳлил этилди

Илмий ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, мазкур мавзуда кўратилган масалалар таҳлили ва натижалари шу мавзу билан шуғулланувчи мутахассислар ва аспирант ҳамда илмий изланувчилар учун қўл келади.

Ундан ташқари, илмий ишдаги айрим боблар иқтисодчи талабалар учун махсус курс сифатида ўқитишга тавсия этилиши мумкин.

Битирув-малакавий ишининг таркиби. Илмий иш кириш, иккита боб, 5 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборатдир.

1-Боб. Хитой ҳарбий саноатининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни.

1.1. Хитой ҳарбий саноатининг шаклланиш шарт-шароитлари.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мавжудлиги объектив шарт-шароитлардан келиб чиқади. Ҳозирги молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ривожланаётган давлатлар ўз иқтисодиётларини тартибга солиб туришга мажбурдирлар, чунки, бозор механизми иқтисодиётни нуқсонларсиз тартибга солиб туролмайди ва ҳеч бир мамлакат бозор шароитида, яъни талаб ва таклиф ҳукмронлиги мавжуд бўлган шароитда танглик ва иқтисодий нобарқарорлик юз беришини давлатнинг иқтисодиётга аралашувисиз олдини ололмайди. Худди шу нақтаи назардан келиб чиққан ҳолда, биз кўтараётган мавзу бениҳоя долзарб ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, кўпчилик замонавий ривожланган иқтисодиётлар аралаш ҳисобланади. Яъни, унда бозорни ва умумий ишлаб чиқаришни бошқариш давлат томонидан у ёки бу даражада тартибга солиш билан тўлдирилиб борилади. Иқтисодиётни тартибга солишнинг бундай бошқарилиши уни марказлашган иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишдан ажратиб туради. Чунки, марказлашган тизимда давлат маъмурий ва бевосита корхоналарнинг бутун фаолиятини ҳамда улар орасидаги хўжалик алоқаларини бошқаради. Бозор тизимида эса, давлат мустақил корхоналар фаолиятига ва ҳаётига аралашмайди, балки, фақат бозорни ҳуқуқий ва макроиқтисодий бошқариш билан чекланади.

Улар хўжалик дастаклари ёрдамида, яъни, пул-кредит, солиқлар, бюджет ва бошқалар ёрдамида тартибга солинади. Бозор иқтисодиётини макро даражада бошқарилиши жамият манфаатини кўзлаб амалга оширилади ва давлат томонидан фаол ижтимоий ҳамда иқтисодий сиёсатни олиб боришни кўзда тутиб, мазкур сиёсатнинг асосий мақсадлари эса, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- иқтисодий ўсиш;
- тўлиқ бандлик;
- иқтисодий самарадорлик;
- иқтисодий эркинлик;
- ишга яроқсизларни моддий таъминлаш;
- барқарор даражадаги нархлар;
- ташқи алоқаларда мувозанатни сақлашдир.

Ушбу мақсадларга эришиш учун эса, ҳар бир мамлакат ўзи учун ва ўзидаги мавжуд хусусиятлардан келиб чиқиб, ўз ривожланиш йўлини танлайди. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишларини санаб ўтамиз: улар ўз навбатида қуйидагиларни қамраб олади:

1. ҳуқуқий маъмурий бошқариш;
2. жамият ҳаётидаги асосий соҳаларни бошқариш;
3. давлат дастурлари ва давлат буюртмалари;
4. молиявий сиёсат;
5. пул-кредит сиёсати;
6. ижтимоий сиёсатдир.

Давлат томонидан бевосита бошқариш (тўлиқ ёки қисман) ҳарбий ҳимоя, энергетика соҳаси, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, сув ресурсларини тезаш ва авайлаш, таълимни, соғлиқни сақлашни ривожлантириш, миллий музейларни қўллаб-қувватлаш, нархларни ушлаб туриш, кўрикхоналар, курортлар, йўллар ва кўчаларни тозалаш ҳамда ёритиш ишлари бўйича қўлланилади.


Ундан ташқари, давлат дастурлари ва давлат буюртмаларига келсак, бундай дастурлар коинотни ўзлаштириш, дунё океанини ўзлаштириш, йирик объектларни қуриш бўйича дастурларни ишлаб чиқишдан иборатдир. Давлат буюртмалари эса, космик аппаратларни қуриш, денгиз ускуналарини ишлаб чиқариш, ҳарбий техникани яратиш бўйича берилади.

Ҳар бир давлат бюджетнинг даромадлар қисми асосан турли хил солиқлардан ташкил топади. Бюджетнинг харажатлар қисми эса, икки асосий йўналишлардан иборат бўлиб, уларнинг биринчиси давлат томонидан товарлар ва хизматларни сотиб олишга (ҳарбий тузилмалар учун қурол-жабдиқларни сотиб олишга, мактаб ва касалхоналар учун озиқ-овқат ҳамда жиҳозларни сотиб олишга, бюджет соҳасида хизмат қилувчиларнинг иш ҳақини тўлаш учун ва ҳ.к.), иккинчиси, давлатнинг бюджетидан тўловларга (трансферт тўловлари) йўналтирилгандир. Уларга нафақалар, дотациялар, субсидиялар, субвенциялар, давлат грантлари ва давлат премиялари киради.

(расм.1.1.1.1.)

Расм 1.1.1.

Давлат бюджетининг асосий йўналишлари³



1970 йиллар охирида қабул қилинган “Тўртлик модернизацияси” нинг таркибий қисмларидан бири бўлган, ҳарбий соҳани модернизациялаш кенг маънода, XXI асрда Осий тинч океани минтақасида ва жаҳондаги янги

³ Л.М.Куликов. Основы экономических знаний, М., 2000, с. 86.

тарихий шароитлардан келиб чиққан ҳолда, мамлакат ҳарбий тизимини мос ҳолга келтиришдан иборатдир.

Халқаро майдондаги ҳолат ва ривожланиш тенденциясининг илмий тахлили шуни кўрсатадики, жаҳонда янги урушларнинг келиб чиқишига сабаб йўқдир. Хитой учун ўз куч қудратини йиғиб, иқтисодиётини ривожлантиришга, мамлакатдаги қашшоқлик ва қолоқлик билан курашишга йўналтириш имкониятлари очилмоқда. Олдинги стратегик тамойиллар, яъни доимий равишда кенг миқёсли урушга тайёр туриш тамойили тинчлик даврида ҳарбий кучларни қурилишга йўналтириш билан ўзгартирилди.

Мазкур соҳадаги чуқур ўзгаришларга юз тутиш соф ички омиллардан келиб чиқди. Чунки 1960-1970 йилларда Хитойнинг ҳарбий мажмуаси соҳаси биринчи навбатда, ўз қолоқлигида “қотиб қолган”(тушкунлик) бўлиб, унинг сабаблари қуйилагиларни ўз ичига олади: ўтмишдаги ярим колониал ҳолати; мамлакатнинг илмий-техникавий базасини ва иқтисодиётининг умумий қолоқлиги; ҳарбий доктринал қарашлардаги консерватизми; Хитойнинг олий ҳарбий раҳбариятининг сиёсий курашларга боғлиқлигидан иборатдир.

Ундан ташқари, “маданий инқилоб” даврида армиядан фойдаланишда салбий оқибатларга олиб келиши, улар бажармайдиган вазифаларни юклатилиши, ҳарбий структуранинг ҳаддан ташқари катталашиб кетишига олиб келди. Биринчи даражали вазифа сифатида ҳарбийларни янги анджомлар билан қуроллантириш ўрнига, идеологик тадбирларни амалга оширилиши, бу соҳани янада тайёргарлик ҳолатини пасайтириб юборди. Бундай ҳолат узоқ вақт мобайнида ва у ҳаттоки, сиёсий компаниялар тугатилгандан сўнг ҳам сақланиб қолди.

Дэн Сяопин ўзининг 10 та, 1975-йилдан то 1982 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олган ҳарбий соҳадаги ислохотларни амалга ошириш концепциясини эълон қилди ва у бунга мос бўлган директив органлар қарорларининг асоси бўлиб хизмат қилди.

Ҳарбий ислохотларнинг асосий босқичидаги етакчи йўналишлар бўлиб, мамлакатда янги ҳарбий доктринани яратилиши хизмат қилди. Унда кенг

миқёсли олий ҳарбий бошқарувни ўз ичига олган қайта қуриш, ҳарбий кучлар таркибини қайта ташкил этиш, шахсий таркиб сонини қисқартириш, Хитой миллий-озодлик армияси таркибини яхшилаш, унинг таркибидаги техник ва махсус қўшинларини (реката, танк, артиллерия, инженер, ва алоқа), авиация ва денгиз кучларини салмоғини кўпайтириш ишларини амалга ошириш лозим эди. Шулар билан бир қаторда, профессионал армияни таёрлаш даражасини ҳам кўтариш масаласи юзага келди.

“Маданий инқилоб” даврида ўзини тугатган, сиёсий томондан пишмаган одамларни юқори лавозимларга тасдиқлаш амалиёти мамлакатдаги модернизациялаш вазифаларига тўғри келмас ва унинг талабларига жавоб бермас эди. Мамлакатда ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорлар асосида ҳарбийларнинг команда таркибига фақатгина ҳарбий ўқув муассасаларини тугатган битирувчиларнигина қабул қилиш белгилаб қўйилди.

Янги доктринанинг қабул қилиниши Мао Цзедуннинг ҳарбий соҳадаги ғояларидан кейинчалик ҳам фойдаланиш имкониятларини чуқур муҳокама қилиш ҳолатида кечди. Шу билан бирга, мазкур ғояларни янги талаблардан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш зарурияти пайдо бўлганлиги таъкидланди. Жаҳондаги стратегик ҳолатларни бевосита кузатиб, хорижий тажрибалардан унумли фойдаланиш лозимлиги аниқланди. Унинг натижасида “замонавий шароитлардаги халқ уруши” доктринаси қабул қилинди ва у ўз навбатида, мувозанатли қуrolли кучлари ва қўшинларини ташкил этишни кўзда тутди.

Мамлакатда олий ҳарбий бошқарувни қайта ташкил этиш соҳа ислохотларининг асосий қисми ҳисобланади.

Олий ҳарбий бошқарувни қайта ташкил этиш бўйича ислохотларни амалга ошириш бу Хитой ҳарбия соҳаси ислохотларининг асосий қисми ҳисобланади. ХХР қуrolли кучлари - Хитой Коммунистик Партияси Марказий Қўмитасининг Ҳарбий Кенгашига қарашли бўлиб, у партиянинг бошқарув дастаги ҳисобланади. 1982 йилдаги мамлакат Конституциясига

биноан, ислохотлар даврида Хитой қуrolли кучларининг олий давлат органи бўлган – ХХРнинг Марказий Ҳарбий Кенгаши ташкил этилди. Бу эса, давлат структурасини самарасини кучайтиришга йўналтирилган унинг қонунчилик сиёсатидаги умумий тенденциялари ўзида акс эттирди.

Хитой халқ озодлик армияси (ХХОА - НОАК) таркибидаги куруқликдаги ҳарбийларнинг сони 1 млн. кишига қисқартирилди (4.2 дан 3,2 гача). Ундаги қайта қуриш жараёнлари ХХОА таркибини қайта ташкил этилиши ва ўзгартиришлар киритилиши билан, бошқарув персоналининг қисқариши билан, офицерларнинг кўпчилигини фуқоралик лавозимларига ўтиши билан биргаликда олиб борилди.

Шу қилинган ишлар натижасида, амалдаги 11 та округдан 7 тасигина қолдирилди. Мамлакатнинг қуrolланиш парки аҳамиятли тарза қисқартирилди.

Буларнинг ҳаммаси армияни тартибга солиш чоралари билан биргаликда амалга оширилди. Жумладан, “маданий инқилоб” даврида ман этилган ҳарбий унвонларни тиклашнинг меъёрий ҳужжатлар ва қонуний актларни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш ишлари амалга оширилди. Хитойнинг ҳарбий ўқув муассасалари ҳам қайта ташкил этиришга қаратилди. 1985 йилда ХХОА нинг миллий ҳарбий кучлари Академияси ташкил этилди. У ҳамма турдаги қуrolли кучларнинг оператив-стратегик бўғини бўлиб, ҳарбий бошқарув кадрларини тайёрлашга йўналтирилгандир. Мазкур чоралар мамлакатда амалга оширилаётган модернизация курсига мос ҳолда команда таркибининг малакасини оширишга йрдам берди. Хитой шаҳарларидаги ўқимишли ёшлардан йиғилган оддий ҳарбий таркибга нисбатан, техникани ўзлаштириш ва уни ишга туширишга қўйилаётган вазифалар ҳам мураккаблашди.

1997 йилнинг сентябр ойида ХКП нинг ХУ съезди бўлиб ўтди ва унда мамлакат қуrolли кучларини модернизациялаш жараёни халқаро ҳолатни баҳолаш таъсирида шаклланиши қайд этилди. Хитой келажакда ўз

давлатини ҳарбий томондан замонавий техника ва технологиялар билан қуролланган қудратли кучларга айлантиришни мўлжалламоқда.

1998 йилнинг июл ойида ХХР Давлат Кенгаши томонидан “Оқ китоб” нинг миллий қуролли кучлари масаласи бўйича нашрида, Хитойнинг ҳарбий соҳадаги асосий сиёсати — бу мавжуд қуролли кучларни мустаҳкамлаш, агрессияга ва қуролли қўпоровчилик фаолиятларига қарши кураш, давлат мустақиллигини, ҳудудий бир бутунлигини ва мамлакат хавфсизлигини таъминлаш масалаларидир. Шу билан бирга, Хитой агрессия ва қуролли конфликтларнинг ўчоғи бўлмаслигини, ҳар қандай ҳолатларда ҳам биринчи бўлиб, айниса ядровий бўлмаган давлатларга ва минтакаларга қарши. ядро қуролини қўлламаслигини таъкидлайди.

Ҳозирги кунда жаҳондаги айрим минтакалардаги нотинчлик ва нобарқарорлик Хитой ҳукуматини жиддий ўйлантириб қўймоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатнинг 9-беш йиллик директив режаларида ва 2010 йилларга мўлжалланган мамлакатнинг истикболли дастурларида кўрсатилганидек, узок йилларга мўлжалланган давлатнинг қуролли кучлари салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича кўрсатмалари сақланиб қолмоқда.

Бу йўналишдаги чораларни амалга ошириш билан биргаликда, ҳарбий қорхоналар ва ташкилотларни 2/3 қисмини конверсиялаш ҳам олиб борилмоқда. Бу эса. ўз навбатида, ҳозирги босқичда давлат бюджетидagi ҳарбий ассигнацияларнинг иқтисод бўлишига ёрдам беради ва шу билан бирга, мамлакат қуролли кучлар мажмуасини иқтисодий фундаментини тубдан янгилаш учун аста-секинлик билан шароитларни яратади.

Хитой ҳарбий соҳаси катта ҳажмдаги қонуний ва меъёрий база билан мустаҳкамланди. Улар орасида энг асосий ўринни 1997 йилда қабул қилинган “Давлат ҳарбий кучлари тўғрисидаги” қонуни эгаллади. У давлатнинг ҳарбий соҳадаги вазифаларини аниқлаб беради, марказдаги ва маҳаллий органларнинг ҳарбий соҳаси ва фуқаро органларининг мувофиқлаштирувчи кенгашини чақиради ва қўшма баёнотларни қабул қилади. Шулар натижасида мамлакатда ягона қуролли кучларни ташкил

этишнинг давлат сиёсатининг қонуний асоси ташкил этилди. Мазкур қонун юридик томондан, ХКП ни мамлакат қуроли кучларига ягона раҳбарлик қилувчи орган сифатида ва хитой жамиятининг йўналтирувчи кучи сифатида тасдиқлайди.

Ушбу қонун илгариги “учлик тизим” қуроли кучларига, ХХОА, халқ қуроли полицияси, халқдан ташкил топган ҳарбийлар гуруҳи) ўзгаришлар киритди. Янги таркиб ўзига ҳаракатдаги ХХОА ни ва унинг заҳирасини, халқ қуроли полициясини ва халқ ҳарбийларини қамраб олди.

XX аср охирида Хитой қуроли кучларини модернизация қилиш борасидаги устувор йўналишлари – бу ҳарбий кучлар салоҳиятини сифат кўрсаткичларини оширишдан иборат бўлиб, мамлакат раҳбарияти томонидан “армияни фан ва техника ҳисобидан мустаҳкамлаш, қуроли кучларга тегишли бўлган илмий изланишларни амалга ошириш, бозор иқтисодиёти шароитларига мос ҳолда, ҳарбий саноатни ташкил топтириш ва уни такомиллаштириш, аста-секин қурол-аслаҳалар ва ҳарбий кийим-усти-бошларни янгилаш ” талаблари олдинга сурилмоқда.

Қуроли кучлар олдида фавқулотда ўзгариш ҳолатларида ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш имкониятларини ошириш, унда замонавий техника, хусусан, юқори технологияларга асосланган (илм сифими катта бўлган) ускуна ва жиҳазлардан фойдаланиш вазифалари қўйилмоқда.

Хитой Халқ озодлик Армияси Бош қуроли кучлари бошқармаси ХХР Марказий қуроли кучларига бевосита қарашли бўлиб, унинг янги раҳбар органини шакллантиришдаги марказий урғуни уларни жиҳозлани такомиллаштиришда кўрди.

1.2. Хитой ҳарбий сиёсати хусусиятлари.

Ҳарбий хавфсизлик соҳасида халқаро майдондаги аҳвол хитой мутахассисларининг фикрича, барқарор бўлишига қарамай, дунёвий жараёнларнинг қарама-қаршиликлари ва мураккабликлари билан тавсифланади. Шу билан бир қаторда, давлатлараро муносабатларда устивор

йўналишлар бўлиб, тинчлик ва ривожланиш жараёнлари қолмоқда, ноаниқлик ва нобарқарорлик омиллари кучаймоқда.

Иқтисодий глобализация жараёнининг тезликда ривожланиши, халқаро меҳнат тақсмоти соҳасидаги туб ўзгаришлар, тез суръатларда технологияларни ва фанни ривожланишини жадаллаштиради, глобал ва халқаро даражада иқтисодий ҳамкорликларни ривожланишига ёрдам беради ва давлатларнинг ўзаро бир-бирларига боғлиқликларини кучайтиради. Кўпчилик давлатлар хавфсизлик ва ривожланиш муаммоларини, давлатлараро диалоглар ёрдамида ҳамда кучларни мувофиқлаштирув ва ҳамкорлик орқали ҳал етишга ҳаракат қиладилар⁴.

Шулар билан бир қаторда, ривожланган давлатларнинг ўзаро жаҳон майдонида ҳаракатланиши, улар орасидаги рақобатни кучайтириш билан, кучлар мувозанати соҳасида куч синаш билан биргаликда олиб борилди. Бунда ҳам анъанавий, ҳам ноанъанавий хавфсизлик тенденциясининг кучайишини кўришимиз мумкин. Охирги вақтларда улар қаторига, терроризм, сепаратизм ва экстремизмлар билан бир қаторда, энергетика, ресурслар, молиялар, ахборотлар, халқаро транспорт коммуникациялари соҳаларидаги хавфсизлик муаммолари келиб қўшилмоқда.

Биринчи бўлиб, ядро қуролини ишлатмаслик мажбуриятларини олган, Хитойнинг ядро стратегияси “чегараланган ядровий жавоб бериш” концепциясида ўз аксини топди. Мазкур стратегия, авваламбор, жангарлик таркиби жиҳатидан чегараланганликни ушлаб туриш стратегиясини ҳал етишга, унинг улкан вайронагарчилик қудратига, замонавий ядро қуроли махсус хусусиятларига прагматик баҳо беришга асосланади. Бундай ёндашув ривожланган давлатлар билан ядро паритетига эришиш мақсадини йўмайди, балки молиявий ва моддий ресурсларни иқтисод қилиш нуқтаи назаридан райионал ҳисобланади.

ХХОА ўз таркибида барча замонавий армиянинг компонентларига эга бўлиб, ҳарбий томондан, стратегик ядро қуролини қўшган ҳолатда, мобиллик

⁴ Манба: “Белая книга КНР по вопросам национальной обороны, 2006”, “Белая книга”, <http://www/china.org/>

ва техник томондан жиҳозланганлиги бўйича, албатта, энг ривожланган мамлакатлардаан анча орқада қолаётган эди. Шунинг учун модернизациялаш жараёнида қуруқликдаги , ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий денгиз қуролли кучлари ракета-тактик радиусли қуроллар билан тўлдирилди, уларнинг умумий техник жиҳозланганлиги бир неча бор кўтарилиб, уларни қуроллантириш ва бошқариш ишларида компьютерлаштириш ва автоматлаштириш чоралари қўлланилди.

ХХОА ни модернизациялаш, ҳозирги кунда унинг ташқи хавфсизлик даражасини қайта баҳолаш орқали, секин-асталик билан ва танлов асосида амалга оширилмоқда. Биринчи навбатда, стратегик ядро қуролли кучларидаги эскириб қолган, суёқлик ракеталарини унинг янги такомиллашган қаттиқ ёқилғили ракеталари билан алмаштирилмоқда. Унинг бошқа йўналишлари ҳисобланган – давлат чегараси айланасидаги локал уруш ва тезкорлик билан низоларга қарши чиқа оладиган ҳамда ички ва умумий хавфсизликни қўллаб-қувватлашни таъминловчи полиция қўшинларига ёрдам берувчи замонавий техника ва жабдиқлар билан таъминланган, нисбатан, компакт мобил қуролли кучларининг, ХХОА ни мавжуд базасида ташкил топиши бўлди. Мана шу ривожланаётган компонентнинг сони 250 минг кишини ташкил этиб (у қуруқликдаги ҳарбий кучларнинг 11% ни ташкил этади), келажакда унга реал ҳолда, энг кучли авиация ва денгиз флотидаги қуролли кучлар келиб қшилиши кутилмоқда.

Айрим хорижий мутахассисларнинг баҳолашларига кўра, 2010 йилда ушбу мобил кучларга ХХОА сининг 1/3 қисми келиб қўшилиши мумкин. Авиацияда эса, қисман, ҳарбий-транспорт машиналари ва қуроллантириш парки, асосан, чет эллардан сотиб олинган техника ва машиналар ҳисобидан янгиланиши мумкин (АҚШ, Россия). 2000 йилда лицензияланган Россиянинг хужумчи Су-27СК (200 та) самолетлари ишлаб чиқарилди. Ундан ташқари, Ил-76 самолетларига асосланган, Исроилнинг ПВО қўшинларини бошқариш ва узоқдан тез топиш тизими сотиб олинди . Денгиз флотида эса, тактик-техник томондан такомиллашган таснивларга эга бўлган хитой лойиҳалари

асосида ишлаб чиқилган ҳамда чет эллардан сотиб олинган, асосан Россиядан, ҳарбий денгиз техникалари ишга туширилди.

Хитой қуrolли кучлари ҳарбий мажмуасининг энг мураккаб муаммоларидан бири – бу ишлаб-чиқариш ва измий-изланиш базасини модернизациялаш бўлиб қолмоқда. Илгариги, “совуқ уруш” давридаги белгиланган ҳарбий секторни бошқаларга қараганда, автоном тарзда ривожлантириш вазифаси, ҳозирги кунда мамлакат раҳбарияти ҳарбий соҳанинг моддий базасини модернизациялашни фақатгина, ривожланган миллий иқтисодиёт базасида ҳарбий қурилиш ва иқтисодий бирлик тамойилларига риоя қилган ҳолатдагина таъминланиши мумкинлигини эътироф этмоқда.

1989 йилда ҳукумат томонидан ислохотлар даврида қабул қилинган қарорларда: 2237 та ҳарбий ишланмаларни фуқаро сектори манфаатлари учун очиш, ҳарбий фойдаланувчилар учун, ягона технологик ва патент базасини шакллантириш, илмий, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятларини амалга ошириш учун корхоналар ва ташкилотларга кўпроқ мустақиллик бериш, фан ва ишлаб чиқаришда шартномавий тизимни жорий этиш ишлари Илмий-изланишлар самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Секин-аста Хитойнинг ички ва ташқи илмий ҳамжамиятларида ахборот ва илмий алмашинувини фаоллаштириш учун шароитлар яратилмоқда.

Технологик фарқларни юмшатиш ва камайтириш ва ҳарбий саноатни модернизациялашга тайёрлаш учун, мамлакатда юқори технологиялар бўйича 1986 ва 1988 йилларда яратилган ва тасдиқланган “Режа-863” ва “Факел” (олов) миллий дастурларига асосий рол белгиланди. Унда Хитой Фанлар Академияси институтлари, тармоқ илмий-текширув муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари ва хитой ҳамда чет эл фирмалари қатнашдилар. Барча илмий-изланишлар спектрини қамраб олиш учун ва уларни амалга ошириш учун, ресурслар етишмаслигини ҳисобга олган ҳолда, еттига устивор йўналишлар белгиланди:

- биотехнология;
- космик техника ва технология;
- информатика;
- лазер технологияси;
- автоматизациялаш технологияси;
- энергетика соҳасидаги технологиялар;
- янги материаллар.

Улардан келиб чиққан ҳолда, хусусан, кўзда тутилмоқда:

- жаҳонда юқори технологияларнинг ривожланишини кузатиб бориш;
- юқори малакага эга бўлган илмий-техник кадрларнинг янги авлодини тарбиялаш ва тайёрлаш;
- табиий ресурслардан рационал фойдаланиш орқали миллий иқтисодиётни янги технологик сифат даражасига кўратишни барқарорлигини таъминлаш учун ва юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни фундаментини шакллантириш ҳамда мавжуд анъанавий тармоқларни қайта ташкил этиш мақсадида илмий ютуқларни тижоратлаш ва саноатлаштириш кўзда тутилди.

Юқорида белгиланган барча дастурлар ҳозирги кунда бажарилмоқда, хусусан, “режа-863” бўйича 1998 йилгача 1200 та ютуқлар қўлга киритилган, улардан ярми халқаро стандартларга жавоб беради. “Факел” дастури бўйича 52 та давлат юқори технологияларни ўзлаштириш зонасида 14 мингта корхоналарда давлат аҳамиятига молик 3500 та лойиҳалар амалга оширилди.

Хитойнинг охириги йилларда ҳавога учирилган мазкур йўналишнинг ютуқларини кўрсатувчи далил сифатида 45 та ернинг сунъий йўлдошларини келтириш мумкин.

Хитойда ҳозирги босқичда армиядаги кишилар сонининг техникага нисбатан, катталигини эътиборга олган ҳолда, параллел тарзда техник жараёнлар амалга оширилмоқда. Улардан бири- ҳарбий саноат мажмуасининг аҳамиятли қисмини конверсиялаш билан бирга, имкониятларнинг чекланганлигига қарамасдан, мавжуд армиянинг бир

қисмини янги жиҳозлар билан таъминлаш инлари олиб борилмоқда. Ундаги янги ҳолатлар шундан иборатки, чет эллардан сотиб олинаётган техника ва технологиялар уларнинг эҳтиёт қисмларини Хитойда ишлаб чиқаришга рухсат берувчи лицензиялаш тизимини жорий қилиниши бўлди.

Иккинчи жараёнда эса, ҳарбий саноат мажмуасини илмий-техникавий ва иқтисодий фундаментини тубдан янгिलाш бўлиб, унда келажакда ҳарбий техника ва технологияларнинг янги авлодини яратиш деб тан олинди.

1.3. Ҳарбий саноатнинг шаклланишида давлатнинг роли.

Ҳар бир давлат ўз қуролли кучларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилар экан, унинг асосий вазифаси, давлат бюджетидан ҳарбий соҳага имкон қадар кўпроқ маблағларни ажратишга уринади. Хитой ривожланаётган мамлакат мақомига эга бўлиши билан бирга, дунёда ўз мавқеини турли йўналишлар бўйича оширмоқда. Шу йўналишлардан бири, давлат томонидан тартибга солиш эҳтиёжига муҳтож бўлган соҳа — бу мамлакатнинг ҳарбий саноат мажмуаси ҳисобланади ва унинг шаклланишида давлатнинг бевосита роли каттадир.

Мамлакатда ҳукумат раҳбарлигида 1996-2000 йилларга ҳарбий соҳада мўлжалланган ишлар қисқа муддатларда амалга оширила бошланди. Бу йўналишда ҳарбий саноатни модернизациялаш бўйича 1990-йилларда Хитой бир неча ҳарбий техника ва жабдиқларни ишлаб чиқарувчи жаҳоннинг етакчи мамлакатлари билан, жумладан, Россия билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Улар, ҳарбий илм соҳасида, коинотни ўзлаштириш бўйича, алоқа ва химояни таъминлаш бўйича, топография, фуқоролик химоялаш ва конверсия йўналишлари бўйича тузилган шартномалардан иборат бўлди. Бунда Хитой Россиянинг ҳарбий техникаларини сотиб олишга, ўз кадрларини Россияда тайёрлашга, ахборот алмашиш, қуролларни таъмирлаш ва модернизация қилишда қўшма ишланмаларни амалга оширишга эришилди.

Хитой 2000 йилларда Россиядан бронетанк, ракета ва ҳарбий-денгиз техникасининг катта партиясини сотиб олди.

Яқин келажакда, Хитой иқтисодиётининг ўсиш суръатларини 5-9,5% ларда ушла туриш кўзда тутилиб, мамлакатда илмий-техник жарайн билан биргаликда, янги юқори технологияларни яратишга ёрдам берувчи миллий дастурларни амалга оширилиши мўлжалланди.

Бироқ, мамлакатдаги бир қатор жиддий муаммоларнинг мавжудлиги ушбу жараёнларни молиялаш нуқтаи назаридан қийинлаштирмоқда, хусусан, улар:

- Марказий ва денгизолди ҳудудларининг иқтисодий ривожланишинидаги нотекисликлар;
- Табиий ресурсларнинг танқислиги;
- Мамлакат аҳолисининг кўпайиб бориши асосида, ундаги экологик ҳолатларнинг кучайиши;
- Ҳарбий саноат корхоналаридаги конверсия жараёнининг капитал талаблиги ва тугалланмаганлиги;
- Капитал қурилишнинг “учинчи зонага” ўтказилиш ҳолатлари.

Хитой қуrollи кучларини модернизациялаш ва улардаги ҳарбийларнинг сонини қисқартириш жараёни билан биргаликда олиб борилмоқда. Охириги 30 йил ичида мамлакатда уларни кенг эксплуатация қилиш учун, 100 та аэродромлар, 29 та денгиз ва дарё кемаларни тўхташ жойлари ва доқлар, 300 та темир йўл линиялари, 90 та алоқа линиялари, 1000 тага яқин омборхоналар ва 3 млн.кв.м. ерлар очилди ва ижарага берилди.

Ҳозирги кунда Хитой армияси қутқариш ишларида, табиий офатлар юз берганда ҳам фаол қатнашиб келмоқдалар, хусусан, улар томонидан ҳозирги кунгача 30 йил давомида 300 мингтадан ортиқроқ фавқулотда ҳодисаларда фаол қатнашиш ҳолатлари амалга оширилиб, 16 млн.дан ортиқ аҳоли қутқарилди ва 280 млн.т.дан ортиқроқ юклар ташиб берилди. Ундан ташқари, Хитой армияси яна давлат аҳамиятига молик бўлган асосий қурилиш объектларини қурилишида ҳам қатнашиб келмоқдалар.

ХХР раҳбариятининг устувор эътибори мамлакатнинг иқтисодий муаммоларига қаратилган бўлиб, улар асосида яқин кўшни мамлакатлар билан ҳамкорликни кўзлайди.

Ҳарбий саноат мажмуасини модернизациялаш жараёни эса, яқин келажақда, улар ҳарбий салоҳиятини эътиборга олган ҳолда, қуролли кучлар таъминланишини етарлилик тамойилларидан келиб чиқиб, амалга оширилиши мўлжалланмоқда.

Хитойнинг халқаро стратегик изланишлар институтини антитеррор изланишлар маркази статистик маълумотларига биноан, охириги 5 йил ичида дунёдаги террористик актлар йилига 20% га ўсган. 2006 йилда содир бўлган локал урушлар ва қуролли низолар сони эса, рекорд даражага етган бўлиб, улар 44 тани ташкил этади.⁵

Халқаро террористик кучларнинг интеграцияси кучайиб бормоқда. 2006 йилда дунёда 665 та террористик актлар содир бўлиб, унинг натижасида 4900 та киши nobуд бўлган ва 10500 кишилар жароҳатланганлар. Фақатгина, 2007 йилнинг январ ойида 43 та террористик актлар содир бўлиб, унда 378 киши nobуд бўлган ва 799 киши жароҳатлангандир. Бу эса, кўрсаткичларнинг ўтган шу даврга нисбатан, аҳамиятли тарзда кўпайганлигини англатади. Охириги пайтларда кўп ҳолларда, энергетик объектларга ҳужумлар кўпайиб бормоқда, хусусан, Россия, Ироқ, Саудия Арабистони, Туркия, Ҳиндистон, Покистон ва Нигерияларда улар содир бўлмоқда.

Осиё тинч оқани ҳавзасида ҳавфсизлик соҳасидаги ҳолатлар икки қарама-қарши тенденциялар орқали кузатилмоқда. Бир томондан, барқарор омилларни мустаҳкамланиши, минтақа давлатлари иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланишига олиб келмоқда. Ушбу мамлакатлар орасидаги мунросабатлар тенглик ва ҳамкорликнинг кўп шаклларида фойдаланишга асосланган бўлиб, улар ўзаро манфаатдорлик иқлимида ҳамкорлик ишларини амалга ошириб келмоқдалар. Бу борада Шанхай ҳамкорлик ташкилоти

⁵ International Strategic Studies, 1* Issue, 2007, P.3.

фаолияти доирасидаги амалга оширилаётган ишларни таъкидлаб ўтиш жоиздир.

ШХТ ўзининг ривожланишида янги поғонага кўтарилган бўлиб, давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлашнинг янги молеини кашф этишда сезиларли улуш қўшиб келмоқда.

Осиё тинч океани минтақасининг яна бир интеграцион ташкилоти АСЕАН эса, нафақат, ўз таркибини консолидациясида ва қурилишида муайян ютуқларга эришиб келмоқда, балки, эркин ҳудудларни ташкил этиш бўйича келишувларда ҳам, нисбатан, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Умуман, Шарқий Осиё давлатлари ҳамкорликлари АСЕАН + ХХР, Япония ва Жанубий Корея (10+3) механизми орқали амалга оширилиб, кенгайтирилиб боришда ва Осиё тинч океани (ОТО) минтақасининг ривожланишида асосий тинчлик шароитларини таъминловчи ролни ўйнамоқда.

Иккинчи томондан эса, минтақадаги ҳолатларни мураккаблаштирувчи омилларнинг кўпайиб бориши, айниқса, АҚШ нинг тез суръатларда ўз ҳарбий соҳасини қайта қуришга олиб келувчи ўз ҳарбий салоҳиятини ошириш мақсадларининг мавжудлиги, икки давлат ҳарбий қуроли кучларини ўзаро оператив ҳаракатланишини таъминлаш йўналишларидаги япон-америка альянсларининг вужудга келиш ҳолатларидир.

Ироқ ва Афғонистондаги ҳолатларнинг барқарор эмаслиги, Эроннинг ядро қуролини ясаш бўйича ҳаракатларининг кейинчалик аҳволини аниқ эмаслиги ҳамда минтақадаги ҳудудий низоларнинг мавжудликлари, мамлакатлар орасидаги ишончни йўқотишга олиб келмоқда ва ҳанузгча минтақадаги терроризм, сепаратизм ҳамда экстремизмнинг хавфларининг қолаётганлиги жиддий муаммоларни туғдириб келмоқда.

Хитой ўз миллий, суверен ва ҳудудий бир бутунлиги хавфсизлигига энг кўп таъсир этувчи омиллар яқин келажакда ҳам Тайван, Синцзян-Уйғур автоном райони мустақиллиги учун чиқаётган сепаратизм фаолияти

натижаси деб билади ва уларга йўл қўймасликка доимий равишда ҳаракат қилиб келмоқда.

Хитойнинг ҳарбий хавфсизлик соҳасидаги стратегияси - мамлакат атрофида нобарқарорлик омилларини камайтиришга ва қулай шароитларни яратишга қаратилган, сиёсий, дипломати ва иқтисодий характерга эга бўлган чораларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Шулар билан бир вақтда, Хитой ҳарбий соҳада дунё тенденцияларига риоя қилган ҳолда, ўз иқтисодий куч-қудратига таянган ҳолда , илм ва илғор технологияларга асосланган ҳолда, ўз ҳарбий салоҳиятини ошириш ва уни такомиллаштириш курсини амалга оширмоқдадир.

2-Боб.Хитой ҳарбий саноат мажмуасининг замонавий ривожланиш хусусиятлари.

2.1. ХХР ҳарбий саноатнинг замонавий ривожланиш хусусиятлари тахлили.

Иқтисодий ислохотларнинг давом этиш шароитларида Хитой ҳарбий сиёсатининг асосий хусусияти – қуролли кучларга кетадиган молиявий харажатларга рационал ёндашувдан ва уларни нисбатан юқори бўлмаган даражаларда ушлаб туришдан иборатдир. (жадвал 2.1.1.)

Хитой ҳарбий қуролли кучларини қурилишини амалга оширишда уларни таълим жараёнларини ва ҳарбий ҳаракатлари имкониятларини ошириш мақсадида мазкур йўналишни механизациялаш ва ахборотлаштириш курси белгилангандир.

ХХОА талабларидан келиб чиққан ҳолда ва халқ ҳимоясини ривожлантириш имкониятларн стратегияси асосида, мамлакатда ҳарбий соҳани ривожлантириш билан биргаликда, унинг сиёсий, иқтисодий ва дипломатик йўналишларини ҳам ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширмоқда.

2001 йилда Цзян Цземин томонидан мамлакатнинг ҳарбий соҳаси салоҳиятини стратегик ривожлантириш ва уларни модернизация қилиш тезиси ишлаб чиқилди ва эълон қилинди. Унга кўра, ХХI аср ўрталаригача мазкур соҳани янгилаш ўз ичига 3 босқични қамраб олади:

- 1-босқичда 2000-йилларга бўлган даврда ушбу соҳада ўзгаришларни асосини яратиш;
- 2-босқичда 2000-2020 йилларгача Хитой қуролли кучларини Осиёда энг кучлига айлантириш;
- 3-босқичда 2020-2049 йилларда мамлакатни модернизация қилишни тугатиш ва ривожланган мамлакатлар қуролли кучлари даражасига этишдан иборат бўлди.⁶

⁶ “Чжунго янцзю” 02.2001.С.94.,

Жадвал 2.1.1.

1991-1997 йилларда Хитой қуроли кучларини молиялаш ҳолати⁷

Кўрсаткичлар	1991 й.	1992 1.	1993 й	1994й	1995й.	1996й	1997й
Давлат бюджетининг “Миллий қуроли кучлари”статьяси бўйича, млрд.ю.	32,5	37,0	43,2	52,3	62,3	70,0	80,6
Млрд.АҚШ долл.	7,2	7,8	7,3	6,0	7,4	8,4	9,8
ЯИМ даги Қуроли кучлар харажатларининг улуши ,% да	1,5	1,4	1,25	1,15	1,08	1,12	1,10

⁷ Хитойнинг “Оқ китоби” миллий қуроли кучлари масаласи, ИДВ РАН, 1998 г., 313 с.

2006 йилни охирида XX1 аср ўрталаригача бўлган 3 босқичда мамлакат миллий қуролли кучларини модернизация қилиш дастурини қабул қилинганлиги Пекин томонидан эълон қилинди ва улар қуйидагилардан иборат бўлди:

- 1-босқич- 2010 йилгача соҳадаги ўзгаришларнинг фундаментал асосини яратиш;
- 2-босқичда 2020 йилларгача модернизациялаш бўйича асосий йўналишларда умумий ривожланишга эришиш;
- 3-босқичда 2050 йилларгача асосан, стратегик мақсад ҳисобланган ва ахборот технологияларини жорий қилиш асосида бўлажак ҳарбий ҳаракатларда муваффақиятли қатнашиш қобилиятини ошириш ҳамда Хитой қуролли кучларининг ахборотлаштирилишига эришишдан иборатдир.

Мана шу икки дастурни қиёслайдиган бўлсак, мамлакатда қуролли кучларни модернизациялаш учун фундаментал ўзгаришларни амалга ошириш жараёнини кечиктирилишини кўришимиз мумкин. Бу эса, мамлакатда мазкур соҳани ривожлаштиришда муайян қийинчиликларни мавжудлигини кўрсатади.

Кейинги йилларда Хитой ўзининг ўсиб бораётган иқтисодий куч-қудратига таянган ҳолда, ўз ҳарбий соҳага йўналтирилган харажатларини ҳам ошириб бормоқда. Бу ҳаракатлар ўз навбатида, ХХОА нинг ҳарбий ҳаракатларини имкониятларини ошириш билан боғлиқ бўлмоқда.

Ундан ташқари, йилдан-йилга қуролланиш тизими қимматлашиб бораётгани, жаҳон бозорида ёқилғи-энергетика маҳсулотларига нархнинг ортиши ва мавжуд офицер ва оддий ҳарбийлар маошининг ўсиши билан ҳам боғлиқдир.

Кўпчилик соҳа мутахассислари ва аналитикларининг фикрича, Хитой қуролли кучларининг реал харажатлари доимий равишда унинг расмий харажатларидан ортиб бормоқда. У эса, ХХОА ни ривожлантириш ва уни ҳар

томонлама таъминлаш билан боғлиқ бўлиб, улар ўз навбатида ядро кучлари стратегиясига йўналтирилган йирик харажатлар статьяларини ва чет эллардан ҳарбий техника ва қурул-аслаҳаларни сотиб олишни ҳамда ҳарбий Илмий-изланишлар ва лойиҳа-конструкторлик ишларини (НИОКР) ва ярим ҳарбий корхона ва муассасаларнинг харажатларини ўз ичига қамраб олгандир.

Қуйида биз мазкур жадвал 2.1.2. орқали юқорида файд этилган ҳолатларни яққол кўришимиз мумкин. Ундан кўриниб турганидек, Хитойнинг расмий ҳарбий харажатлари унинг реал харажатларидан ортиб борганлигини гувоҳи бўламиз.

ХХР нинг 2001-2007 йиллардаги ҳарбий харажатлари⁸

Кўрсаткичлар	2001й.	2002й.	2003й.	2004й.	2005й.	2006й.	2007й.
Расмий харажатлар: -жорий нархларда, млрд.юанда;	144,2	169,4	185,3	220,0	248,0	296,4	350,9
-қиёсий нархларда ва бозор айирбошлаш курсида, млрд.АҚШ долл.да	17,4	20,5	22,3	25,3	30,0	38,2	45,3
Реал харажатлар: -жорий нархларда, млрд.юанда;-	218,0	257,0	281,3	292,3	372,0	444,6	525,4
-қиёсий нархларда ва бозор айирбошлаш курсида, млрд.АҚШ долл.да	26,3	31,1	33,8	35,1	45,0	57,4	68,0
ЯММ да расмий харажатларни улуши,%да	1,5	1,6	1,6	1,6	1,4	1,4	1,7
ЯММ да реал харажатларни улуши,%да	2,3	2,4	2,5	2,1	2,0	2,0	2,5

⁸ ИТАР –ТАСС, ИНОТАСС, 07.03.2008.

2.2. Хитой ҳарбий саноат мажмуасининг ривожланиш истиқболлари.

Маълумки, охириги йилларда Хитойда давлат бюджетининг харажатлар қисми айрим соҳаларда кўпайиш тенденцияси кузатилмоқда. Хусусан, 2006 йилда Хитойда ҳарбий соҳага марказий бюджетдан ажратилган маблағлар – 35 млрд.АҚШ долларини ташкил этди. Агар, уни 2005 йилга нисбатан қиёсласак, у 14,7% га кўпроқ эканлигини ва бюджетнинг умумий харажатларини 7,4% ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Шундай бўлсада, мазкур кўрсаткич, бошқа ривожланган мамлакатлар билан солиштирганда унчалик катта эмаслигини кўрмиз, яъни Японияда ушбу соҳага йилига тахминан 45 млрд.АҚШ долл., Америкада эса, йилига 300 млрд. долл. атрофида маблағ сарфланади.

2001-2006 йилларда ХХР нинг ҳарбий харажатларининг ўсиш суръатлари унинг иқтисодий ўсиш суръатларидан ўртача 1.5 маротабага, яъни 14,3% га (8,5% ўрнига) ўсганлигини кўрамиз.

Хитойнинг 2007 йилга мўлжалланган расмий ҳарбий харажатлари 45,3 млрд.долл.ташкил этди. Шу билан бир қаторда, ХХОА нинг ҳаракатдаги ҳарбийлар сони таркибида сезиларли ўзгаришлар юз бермади. Бунини биз қуйидаги 2.2.1. жадвалидан кўришимиз мумкиндир.

Шулар қаторида 2010 йилларгача мўлжалланган ҳарбий саноатни модернизациялаш ва қуролли кучларни янги ҳарбий қурол-аслаҳалар билан таъминлаш чора-тадбирлари давом эттирилди.

Унда энг асосий йўналишлар бўлиб, ядро кучларини, ХХОА даги Ички қуролли кучларни (ВВС), ҳарбий денгиз кучларини (ВМС) стратегик жиҳатдан қуроллантириш ҳисобланди. Ядро қуролли кучларини стратегик грунтмобил ва қаттиқ ёқилғили континентлараро “Дунфэн-31 (CSS-9)” 8000 км.радиусли ва ўта чидамли бўлган баллистик ракеталар билан қуроллантирилди. МБР“Дунфэн-31А” номли 14000 км. узоқликни

мўлжалловчи ракета билан қуроллантириш 2007-2010 йилларда амалга оширилди.

Хитойда ҳарбий саноат мажмуасининг ривожланиши бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, унда миллий ҳарбий кучларни сифат ҳиҳатдан такомиллаштиришни таъминлашга ёрдам берувчи кули илмий-изланиш ва ишлаб чиқариш салоҳиятини яратишга қаратилгандир.

2006 йилда мамлакатдаги ҳарбий ва фуқоролик маҳсулотларини ишлаб чиқаришларнинг нисбати 36:64 ни ташкил этди.

Мамлакатда фаол тарзда лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқаришни электронлаштириш тизимлари ни ривожлантириш жараёни амалга оширилмоқда.

2002-2009 йилларда Хитой қуролли кучлари 11 та давлат билан 21 та кўшма ҳарбий ўқув машғулотларида фаол қатнашдилар.

2007 йилда Хитой биринчи маротаба ШХТ нинг (ШОС) “2007-тинчлик миссияси” деб номланган кўптомонлама антитеррористик ҳарбий ҳаракатларида : та аъзо давлатлар билан биргаликда (Ўзбекистон, Росси, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон) қатнашди.

Мазкур 2010 йилда Хитой ШХТ нинг Тошкентда бўлиб ўтган саммитига ҳам фаол қатнашди ва унда 11 июн кундаги мажлисида ШХТ га аъзо давлатларнинг антитеррористик ва антинаркотик хавфсизлик масалалари кўриб чиқилди ва ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилишнинг келажак истиқболлари белгиланди.

**2006-2007 йилларда ХХОА ни қуроллантириш ва ҳарбийларнинг таркиб
миқдори⁹**

Кўрсаткичлар	2006 й.	2007 й.
1.Шахсий состав сони (минг киши),	2255	2255
Жумладан:-стратегик ядро кучларида	100	100
Қуруқликдаги ҳарбийлар	1600	1600
Ҳаво-ҳарбий кучлари	400	400
Ҳарбий денгиз кучлари	255	255
2.Ҳаракатдаги таркиб ва қуроллар Стратегик ядро кучлари. Ядро ташувчи қуроллар	113	113
Жумладан: МБР пуск берувчи ускуналарда	46	46
Ердан пуск берувчилар	81	81
Самолет-ташувчилар	20	20
Денгизда пуск ракеталарини ўрнатувчилар	12	12
Қуруқликдаги ҳарбийлар: умумий армий ҳарбийлари	18	18
Умумармия дивизия ҳарбийлари	56	56
Жумладан: пехота	15	15
моторехота	24	24
механизациялашган	3	3
танкли	9	9
Ҳаво-десантлари	3	3
амфибияли	2	2
Умумҳарбий бригадалар	35	35
Ҳаво-кучлари- ҳарбий самолетлар	2643	2643
Жумладан:бомбардирлар	222	222
Қирувчи бомбардирлар	1252	1252
Қирувчи ПВОлар	1179	1179
Самолет-разведчиклар	53	53
Вертолетлар ҳарбий денгиз кучларида	56	77
Асосий ҳарбий кемалар	129	134
Жумладан: сув ости кемаларида	58	58
Улардан: атом ракеталарида	1	1
Мина ташувчи эскадраларда УРО	27	28
фрегатлар	44	48
ВМС авиацияси ҳарбий самолетларида	792	792
Денгиз пехотаси: амфибия денгиз пехотасида	3	3
Денгиз бригада пехотасида	2	2

⁹ Манба: The Military Balance 2006.P. 264-269, The Military Balance 2007.P.346-350

Хулоса

Бугунги кунда халқаро майдонда ҳарбий хавфсизлик соҳасидаги аҳвол хитой ва жаҳон мутахассисларининг фикрича, барқарор бўлишига қарамай, дунёвий жараёнларнинг қарама-қаршиликлари ва мураккабликлари билан тавсифланади. Шу билан бир қаторда, давлатлараро муносабатларда устивор йўналишлар бўлиб, тинчлик ва ривожланиш жараёнлари қолмоқда, ноаниқлик ва нобарқарорлик омиллари кучаймоқда.

Иқтисодий глобализация жараёнининг тезлик билан интенсив тарзда ривожланиши, халқаро меҳнат тақсимооти соҳасидаги туб ўзгаришлар, тез суръатларда технологияларнинг ва илм-фаннинг ривожланишини жадаллаштиради, глобал ва халқаро даражада иқтисодий ҳамкорликларни ривожланишига ёрдам беради ва давлатларнинг ўзаро бир-бирларига боғлиқликларини кучайтиради. Кўпчилик давлатлар хавфсизлик йўналишларида юзага келган ва ривожланиш муаммоларини, давлатлараро диалоглар ёрдамида ҳамда кучларни мувофиқлаштирув ва ҳамкорлик орқали ҳал етишга ҳаракат қиладилар.

Хитойнинг 2001 йилдаги 3-босқичли миллий қуроли кучларини янгилаш дастури ижобий натижаларни тўлиқ бермаганидан сўнг, 2006 йилни охирида яна XX1 аср ўрталаригача бўлган 3-босқичда мамлакат миллий қуроли кучларини модернизация қилиш дастурини қабул қилинди ва у Хитой давлати раҳбарияти томонидан эълон қилинди ва улар қуйидагилардан иборат бўлди:

- 1-босқич- 2010 йилгача соҳадаги ўзгаришларнинг фундаментал асосини яратиш;
- 2-босқичда 2020 йилларгача модернизациялаш бўйича асосий йўналишларда умумий ривожланишга эришиш;
- 3-босқичда 2050 йилларгача асосан, стратегик мақсад ҳисобланган ва ахборот технологияларини жорий қилиш асосида бўлажак ҳарбий ҳаракатларда муваффақиятли қатнашиш қобилиятини ошириш ҳамда

Хитой қуrolли кучларининг ахборотлаштирилишига эришишдан иборатдир

Мана шу икки дастурни қиёслайдиган бўлсак, мамлакатда қуrolли кучларни модернизациялаш учун фундаментал ўзгаришларни амалга ошириш жараёнини кечиктирилишини кўришимиз мумкин. Бу эса, мамлакатда мазкур соҳани ривожлаштиришда муайян қийинчиликларни мавжудлигини кўрсатади.

Хитойнинг ҳарбий хавфсизлик соҳасидаги стратегияси - мамлакат атрофида нобарқарорлик омилларини камайтиришга ва қулай шароитларни яратишга қаратилган, сиёсий, дипломати ва иқтисодий характерга эга бўлган чораларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Шулар билан бир вақтда, Хитой ҳарбий соҳада дунё тенденцияларига риоя қилган ҳолда, ўз иқтисодий куч-қудратига таянган ҳолда , илм ва илғор технологияларга асосланган ҳолда, ўз ҳарбий салоҳиятини ошириш ва уни такомиллаштириш курсини амалга оширмоқдадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
- 1.2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т.: Ўзбекистон, 1993.
- 1.3. Каримов И.А. Иқтисодий ислохот: масъулиятли босқич. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
- 1.4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари - Т.: Ўзбекистон, 1995.
- 1.5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
- 1.6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
- 1.7. Каримов И.А. Мулкдорлар синфни шакллантириш - ислохотларнинг бош мезони. //Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. - Т.: Ўзбекистон, 1997. 5-том.
- 1.8. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
- 1.9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
- 1.10. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш - Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси - Т.: Ўзбекистон, 2000.
- 1.11. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
- 1.12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
- 1.13. Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим

устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

2. Китоб ва монографиялар:

- 2.1. Авдокушин Е.Ф. Теоретические основы экономической реформы в КНР. М. ВЗПИ А/О «Рос вузнаука», 2000. 216с.
- 2.2. Абатуров В. «Визитная карточка» китайского экономического «чудо»
- 2.3. Краткий обзор экономических реформ в Китае//Экон.обозрение.Ташкент,2002- № 4-5, с.12-19.
- 2.4. Ван Мэнкуй и др. Экономика Китая, Изд-во межконтинентального Китая, Пекин, февраль 2005 г. с. 114.
- 2.5. Государство и социальные реформы. / Доклад о человеческом развитии,2005 г.
- 2.6. Ганшин Г.А. Экономическая реформа в Китае: эволюция и реальные плоды.М.: 1997,207с.
- 2.7. Мировая экономика: прогноз до 2020 г.под ред.акад. А.А. Дынкина, Москва, магистр, 2007.429 с.
- 2.8. Троякова Т.Г. Экономическое развитие стран АТР: (Учебн.пособие).
- 2.9. Владивосток: Изд-во Дальневосточного университета, 1999, с.262.
- 2.10. Чуфрин Г.И., Сенчихин В.И. Современные проблемы экономики стран АТР; Учебн.пособие.- М., Изд-во МГУК, 1999, с. 80.
- 2.11. Китай: фундамент успехов XXI века: Аналит.обзор ГСУ достижений 9-й и 10-й пятилеток /Инс-т.ДВ РАН, Центр научн.информ..документации, 2002,-200 с.
- 2.12. Логинов Л.Н.,Филимонов П.И.Особый путь развития экономики Китая
- 2.13. (Краткий обзор),-М.,; КОСМО, 2001, с.52.
- 2.14. Михеев В. Экономика Китая: новые горизонты //Экономист,-2002, С. 72-83.

3. Журналлардаги мақолалар:

- 3.1. Наумов И.Н. Стратегия экономического развития КНР в 1996-2020 гг. и проблемы ее реализации /РАН Инс-т ДВ.-2001, с.200.
- 3.2. Наумов И.Н. Народное благосостояние в КНР на рубеже веков //Труд. за рубежом, - 2001.- № 4, с.68-82.
- 3.3. Ловушки либерализации (Китай и ВТО) /{Михеев В.В., Потапов М.А. и др.; Отв. Ред. Потапов М.А.}; РАН Инс-т ДВ,-М., 2001, с.178..Котляров И.Н. Внутренние факторы экономического развития КНР.// Фин.бизнес, 2002, №4,- с.16-19.
- 3.4. Стратегия превращения Китая в супериндустриальное государство (1998-2050 гг.); Сб. статей. РАН ИДВ, Отв.ред. Титаренко М.Л., М., 2002, с.198.

- 3.5. Полин П.М., Липпо Г.М. Новые тенденции в изменении геоурбанистической ситуации в России. // Известия Академии наук., 1999, № 6.
- 3.6. Симагин О.В. Современный этап субурбанизации в Московском столичном регионе. М. 1997.
- 3.7. Гу Хайбин. Маркетизация и деаграризация китайской экономики // Цзинцзи лилунь юй цзинцзи гуаньли, -Пекин, 2001, №1, с.17-22.
- 3.8. Лю Хун. Проблемы в сфере занятости. //Лаодун цзинцзи юй жэньли циюань гуаньли, Пекин, 2000, № 12, с. 4-30.
- 3.9. Чжан сяоцзянь. Вступление Китая в ВТО: влияние на занятость и Контрмеры. // Лаодун цзинцзи юй жэньли гуаньли, ПекинЮ 2000., № 12, с. 31-34.
- 3.10. Федоровский А. Институциональные преобразования в Китае: предпосылки, особенности, перспективы. //МЭ и МО,2003, №4,с.77-86.
- 3.11. Ли Ке .Допустимые диспропорции и системная оптимизация региональной экономики Китая.//Проблемы теории и практики управления. 2002, № 1, с. 63-67.

4. Инглиз тилидаги адабитлар:

- 4.1. Migrant workes, / The Survey of international Labor Conference, 89, Stssion, 2002, - ILO, Geneva, 2002.
- 4.2. Sodersten Bo and Rtted Geoffrey. /International Economics, 1994/
- 4.3. The future of migration. /Report of Conference.- OECD, Paris, 1987/
- 4.4. The unwanted. // The Economist. – 1998. – March 28.
- 4.5. World of Work. // The ILO. – 2002 - № 27.
- 4.6. The China Business Review. May 30. 2000.
- 4.7.. The urities Times (China), in English, various issues of 1999-2000.
- 4.8..Zhang Mansheng. “China”s Interest Rate Rtform”/ Hjmtway info. Media Ltd., January 25, 2000.

5.Интернет сайтлари

- 5.1 .www. Smi.ru.
- 5.2. www. Isran. Ru.
- 5.3. www. Imemo.ru.
- 5.4. www. CER.uz.
- 5.5 .www. Caapr.kz.
- 5.6. www. Iias. NI.
- 5.7 .www. World –bank. org
- 5.8. http: || europa. Eu. Int.
- 5.9. http: || tw.jahoo.com.
- 5.10 www. xinhua.org.
- 5.11. http://www.rian.ru